



ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИНИНГ

ҚАРОРИ

“Ўзстандарт” агентлигининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 августдаги “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4812-сон Қарорига мувофиқ, 2021 йил 1 январга қадар халқаро, минтақалараро ва хорижий стандартларни уларнинг асл тилидаги маҳсулотга талабларни ўзгартирмасдан худди шундай кўринишда қабул қилиш орқали, 1995 йилгача тасдиқланган 5 236 та стандартлар “тартибга солувчи гильотина” усулида бекор қилинишини инобатга олиб, Миллий сертификатлаштириш идораси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар 2021 йил 1 мартдан ўз кучини йўқотган деб топилсин ва маҳсулотларни сертификатлаштириш ишлари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг мажбурий талаблари бўйича амалга оширилиши таъминлансин:

- “Ўзстандарт” агентлигининг 2019 йил 24 июндаги К-7-сонли қарори;
- “Ўзстандарт” агентлигининг 2019 йил 25 июлдаги К-8-сонли қарори;
- “Ўзстандарт” агентлигининг 2019 йил 31 октябрдаги К-10-сонли қарори;
- “Ўзстандарт” агентлигининг 2019 йил 20 ноябрдаги К-12-сонли қарори;
- “Ўзстандарт” агентлигининг 2020 йил 28 февралдаги К-1-сонли қарори;
- “Ўзстандарт” агентлигининг 2020 йил 29 майдаги К-6-сонли қарори;
- “Ўзстандарт” агентлигининг 2020 йил 29 майдаги К-7-сонли қарори;
- “Ўзстандарт” агентлигининг 2020 йил 11 сентябрдаги К-10-сонли қарори.

2. Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш департаменти (З.Аманов) ва Аккредитация маркази (А.Закиров) маҳсулотларни сертификатлаштириш ишлари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг мажбурий талабларига риоя қилган ҳолда амалга оширилиши юзасидан ўрнатилган тартибда назорат қилиб борилишини таъминласин.

3. Аккредитация қилинган синов лабораториялари халқаро стандартларга асосан янги синов услубини ўзида жорий этса, уч ой ичида аккредитация доирасини кенгайтириш мажбуриятини олган ҳолда ушбу услуб бўйича мувофиқликни баҳолаш ишларини амалга оширишларига рухсат этилиши ва бунда, янги синов услубларини қўллашга аккредитация соҳасини кенгайтириш учун белгиланган тартибда тақдим этилган буюртма асос бўлиши маълумот учун қабул қилинсин.

4. АКТЖҚ ва РБ (Усмонов) ушбу қарор рўйхатдан ўтказилган кундан сўнг 2 кунлик муддатда Агентликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.
5. Мазкур қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Бош директор

 **Д. Саттаров**

Тошкент ш.,
2020 йил 20 ноябрь,
К-13-сон